# ЮРИДИК ШАХСЛАР УЧУН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ ШАРТНОМАСИ

2022-йил “18” 01 52/26-сон **Н у р о т а** тумани

(шартнома тузилган манзил)

”Навоий худудий электр тармоклари корхонаси” АЖ (кейинги ўринларда “Корхона” деб аталади)нинг низом асосида фаолият кўрсатувчи рахбари Б.Исломов, бир тарафдан ва

Нурота ветеринария бўлими

*(Электр энергияси истеъмолчисининг номи)*

(кейинги ўринларда “Истеъмолчи” деб юритилади) нинг Низоми асосида фаолият юритувчи раҳбари Б. Бобомуродов иккинчи тарафдан,

*(“ Истеъмолчи” раҳбарининг номи Ф.И.Ш.)*

мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар.

## I. Шартнома предмети

Ушбу шартнома билан “Корхона” тармоқлари орқали электр энергиясини (кейинги ўринларда - энергия деб аталади) “Истеъмолчи”га етказиб бериш, “Истеъмолчи” эса истеъмол қилинган энергия ҳаққини ўз вақтида тўлаш мажбуриятини олади.

## II. Етказиб берилган энергия ҳисоби

2.1. Энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми:
актив ______________ кВт.с., реактив ______________ кВар.с. ташкил этади.

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг шартнома тузилган кунидаги умумий нархи 450 тариф

тариф тури: табақалаштирилган, бир ставкали ёки 08.11.2017 йилдаги ПП-3379 қарори билан тасдиқланган рўйхат бўйича маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун тариф (кераклиси ёзилсин)

бўйича 899100 саккиз юз тўқсон тўққиз минг бир юз сўмни ташкил этади.

2.3. Истеъмолчининг ойлар кесимида бўлинган йиллик энергия хажми ушбу шартноманинг 1 иловасида келтирилган.

2.4. “Истеъмолчи” томонидан ҳақ тўланиши лозим бўлган ҳақиқий қабул қилиб олинган энергиянинг ҳажми ҳисобга олиш асбобларининг (кейинги ўринларда- ҳисоблагичлар деб аталади) кўрсаткичлари асосида ушбу шартноманинг
2-иловасида назарда тутилган тартибда аниқланади.

2.5. Вазирлар Маҳкамасининг 24.12.2008 йилдаги 277-сонли қарори 1 иловасида белгиланган рўйхат асосида табиий монополия субъектлари томонидан мажбурий хизмат кўрсатиладиган истеъмолчилар учун энергияни минимал йиллик хажми 1998 кВт/соат ташкил этади.

## III. Ҳисоб-китоб қилиш тартиби

3.1. Энергия учун ҳисоб-китоблар табақалаштирилган бир ставкали ёки 08.11.2017 йилдаги ПП-3379 қарори билан тасдиқланган рўйхат бўйича маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун тегишли тарифлар асосида амалга оширилади.

3.2. Уланган қуввати 750 кВА ва ундан юқори бўлган “Истеъмолчи” (бюджет ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетидан молиялаштириладиган насос станциялари бундан мустасно) энергия учун ҳисоб-китобларни сутка вақтларининг табақалаштирилган тарифи бўйича амалга оширади.

Табақалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китоблар:

ярим тиғиз пайт – сутканинг ёруғ вақтида (соат $9^{00}$ дан $17^{00}$ гача) – ўрнатилган тариф бўйича;

тиғиз пайт – энг катта юкламали соатларда (ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкламали соатлари: эрталабки энг катта миқдор соат 600 дан 900 гача, кечки энг катта миқдор соат 1700 дан 2200 гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар миқдорда ўсувчи коэффициентни қўллаш орқали;

тунги пайт – сутканинг қоронғи вақтида (энг кам юкламали соатларида: 2200 дан 2400 гача ва 0000 дан 600 гача) – белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар миқдорда камаювчи коэффициентни қўллаш орқали амалга оширилади.

Белгиланган тариф II-тариф гуруҳидаги “Истеъмолчи”ларнинг бир ставкали тарифига мувофиқдир.

Табақалаштирилган тариф қўлланилмайдиган “Истеъмолчи”га энергия учун ҳисоб-китобларда бир ставкали тариф қўлланилади.